# ИШОНЧ

Ўзбекистон касаба уюшмалари федерацияси газетаси

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

СЕШАНБА, ПАЙШАНБА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

1 декабрь, сешанба 1998 йил №137 (638)


**Ушбу сонда:**


2 — Пенсионерга давлат соябон

3 — ТВ дастури

4 — Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётганлар


## ЎЗБЕКИСТОН-ҚИРҒИЗИСТОН: АМАЛИЙ ҲАМКОРЛИК КЕНГАЙМОҚДА

**30 ноябр куни Қирғизистон Президенти Асқар Акаев амалий ташриф билан Ўзбекистонда бўлди.**







Ташриф дастурида кўзда тутилганидек, дастлаб Дўрмон қароргоҳида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ҳамда Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг яккама-якка суҳбати бўлди. Мулоқот чоғида минтақавий хавфсизлик, икки давлат ўртасидаги савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, коммуникация, гидроэнергетика, Қирғизистонга Ўзбекистон газини етказиб бериш билан боғлиқ масалалар муҳокама этилди.

Президентларнинг ўзаро суҳбати кечаётган пайтда, қароргоҳнинг мажлислар залида икки давлат расмий делегациялари вакилларининг учрашуви бўлди. Унда Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида ҳарбий соҳада ҳамкорлик тўғрисида, икки давлат ўртасида фуқаролик, оилавий ва жиноий ишлар бўйича ҳуқуқий ёрдам ва ҳуқуқий муносабатлар тўғрисидаги шартномаларнинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани тўғрисидаги протоколлар имзоланди.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки давлат ўртасида Абадий дўстлик тўғрисидаги шартноманинг ратификация ёрлиқлари алмашилгани тўғрисидаги протоколга имзо чекдилар.

Шундан сўнг Президентлар оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашди.

- Бугунги суҳбатимиз чоғида муҳокама этилган асосий масалалардан бири Қирғизистонга Ўзбекистон газини мунтазам етказиб бериш, унинг баҳоси ва ҳисоб-китоби билан боғлиқ бўлди, - деди Ислом Каримов.- Ҳозирги вақтда биз Қирғизистонга йилига қарийб бир миллиард куб метр газ етказиб берамиз. Ҳисоб-китоб эса элликка-эллик тамойилига асосланади. Яъни, эллик фоизи валюта, қолгани эса маҳсулот билан қопланади. Президент Асқар Акаев Қирғизистонга берилаётган газ ҳажмини кўпайтириш, унинг ҳисоб-китобини эса элликка-эллик эмас, балки ўттизга-етмиш тарзида амалга оширишни таклиф қилди. Ўйлайманки, икки давлатнинг мутасадди ташкилотлари бу масалани атрофлича ўрганиб, икки томон учун ҳам мақбул йўлни топади.

Ислом Каримов Ўзбекистон билан Қирғизистон ўртасида транспорт коммуникацияси соҳасидаги ҳамкорликка ҳам алоҳида тўхталди. Андижон-Ўш-Иркиштом-Қашқар йўналиши икки давлат учун ҳам муҳим стратегик аҳамиятга эга эканини таъкидлади. Ҳақиқатан ҳам, бир қарашда унчалик узун бўлмаган бу йўналиш аслида Шанхайни Париж билан боғлайдиган улкан йўлнинг бир қисмидир.

Айнан мана шу сабаб унинг нечоғли муҳим аҳамиятга эга эканини кўрсатиб туради. Айни пайтда бу йўналишнинг икки варианти бор. Автомобил йўли ва темир йўли. Ҳозирги шароитда улар ичида автомобил йўли мақбулроқ. Зеро, унинг бунёд этилиши темир йўли қурилиши каби йирик миқдорда сармоя талаб қилмайди. Ислом Каримов Президентларнинг юзма-юз суҳбати чоғида ушбу йўналишнинг Қирғизистондан ўтадиган қисмини барпо этиш ҳақида сўз боргани ва Ўзбекистон бу борада асосий пудратчи бўлиши хусусида келишиб олинганини маълум қилди. Молиялаштириш ҳам Ўзбекистон зиммасига тушади. Хўш ҳисоб-китоб қандай бўлади? У ҳам элликка-эллик тамойилига таянади. Яъни, Қирғизистон имтиёзли тарзда йўл қурилишига кетган харажатларнинг эллик фоизини етти йил давомида Ўзбекистонга тўлайди. Ўзбекистон автомобилларининг ушбу йўлдан фойдаланишини назарда тутиб, харажатларнинг қолган қисми тўланмайди, дея келишиб олинди.

Шунингдек, матбуот анжуманида Қирғизистоннинг сув захираларидан фойдаланиш, хусусан, гидроэнергетика соҳасини ривожлантириш борасида ушбу мамлакатга ёрдам кўрсатиш ҳақида тўхталиб ўтилди. Қирғизистоннинг сув манбалари кўп. Улардан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, мамлакат электр энергияси экспортидан катта даромад олиши мумкин. Аммо, бу соҳага эътибор Қирғизистоннинг ўзида ҳам, хорижда ҳам кам. Ислом Каримов бу борада муайян лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга оширишга келишиб олингани ҳамда бунинг икки томон учун ҳам фойдадан холи бўлмаслигини таъкидлади.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек Қирғизистон иқтисодиётини қийин аҳволдан халос этиш борасида Ислом Каримов билдирган фикрлар, таклифларни юқори баҳолади.

- Аввало, шуни айтиб ўтишим кераккки,- деди Асқар Акаев.- Ислом Каримов Қирғизистон халқига ҳамиша алоҳида ҳурмат ва эътибор билан қараб келади. У қўшни мамлакат Президенти ва қирғиз халқининг самимий дўсти сифатида оғир пайтларда бизга ҳамиша ёрдам қўлини чўзган.

Албатта, Ўзбекистон газининг Қирғизистонга мунтазам етказиб берилиши биз учун жуда муҳим. Бугун Қирғизистон иқтисодиётида кечаётган қийинчиликларни ҳисобга олиб, Ислом Каримовга газнинг баҳоси, ҳисоб-китоб бўйича таклифларимни билдирдим. Ўзбекистон раҳбари уларга алоҳида эътибор билан ёндошганидан мамнунман.

Тожикистонда сўнгги пайтларда юз берган воқеалар ҳам матбуот анжумани иштирокчилари диққат-эътиборидан четда қолмади. Ислом Каримов бу борада ҳар хил асоссиз гаплар тарқатилаётганини ачиниш билан таъкидлади.

- Етти йилдирки, Тожикистон халқи фуқаролар уруши жабрини тортаётир, - деди Президент.- Айтиш мумкинки, мамлакатда ҳокимият учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб кураш кетмоқда. Тор доирадаги, уруғ-аймоқчиликка асосланган бу кураш баъзида қуролли тўқнашувларга айланиб бораётир.

Мен илгари ҳам айтганман. Бугун буни яна бир карра таъкидлайман: биз Тожикистонда тинчлик жараёни тўғрисида Москвада имзоланган битимни қўллаб-қувватлаймиз. Тожикистондаги мураккаб вазиятни фақат тинч музокаралар йўли билангина ечиш мумкин. Бунинг муқобили йўқ.

Ислом Каримов Тожикистоннинг Ленинобод вилоятида рўй берган воқеаларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган бўҳтон гапларнинг мутлақо асоссиз эканини далиллар билан исботлаб берди. Мантиқан олиб қаралганда ҳам, ҳеч қайси мамлакат ўз «биқинидаги» давлатда нотинчлик бўлишидан манфаат топмайди. Оддийгина мисол, Ленинободдаги воқеалар мобайнида Ўзбекистоннинг у ердан ўтадиган поездлари тўхтаб қолди. Бу Ўзбекистоннинг манфаатларига зид. Биз кўра била туриб ўзимизга зарар келтирармидик.

Аслида, Ўзбекистон номига бўҳтон ёғдиришдан аввал Тожикистонда тинчлик ўрнатилиши учун энг кўп ғамхўрлик кўрсатган давлатни эслаш адолатдан бўларди. Негаки Тожикистонга қанчадан-қанча инсонпарварлик ёрдами кўрсатган, президент Имомали Раҳмонов билан тожик мухолифати раҳбари Абдулло Нурийнинг музокаралар бошлашига бош-қош бўлган Ўзбекистон эди.

Ленинобод вилоятида мураккаб вазият вужудга келганда, Тожикистон ҳукумати қўшинларига исёнчиларнинг орқа томонидан зарба беришга кўмаклашган - Тожикистон ҳукумати қўшинларининг жанубдаги ҳарбий бўлинмаларини Ўзбекистон ҳудуди орқали Тожикистон шимолига ўтишини таъминлаган ҳам Ўзбекистон бўлди.

Тожикистонда бугунги кунда 1 миллион уч юз мингдан ошиқ ўзбек миллатига мансуб аҳоли истиқомат қилади. Яъни, мамлакат аҳолисининг 25 фоизи. Аралаш оилаларни ҳисоблаганимизда эса, бу рақам яна ошади. Аслида эса Президент Ислом Каримов алоҳида таъкидлаганидек, улар икки тилда гаплашувчи бир халқдир. Бу ҳам Тожикистондаги воқеаларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган гаплар мутлақо асоссиз эканлигини исботлаб турибди.

Қирғизистон Президенти Асқар Акаев Ислом Каримовнинг Тожикистон масаласи бўйича берган баёнотини тўла қўллаб-қувватлади. Хусусан, Асқар Акаев Тожикистон Президенти томонидан Ўзбекистон шаънига билдирилган гапларга ишонмаслигини таъкидлади.

Президентлар журналистларни қизиқтирган бошқа саволларга ҳам жавоб қайтардилар.

Ислом Каримов журналистларга Асқар Акаевнинг Қирғизистонга ташриф буюриш, Қирғизистонда Ўзбекистон маданияти кунларини ўтказиш тўғрисидаги таклифларини қабул қилганини ҳам маълум қилди.

Шу билан Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг Ўзбекистонга амалий ташрифи ниҳоясига етди. У шу куни Тошкентдан Ватанига жўнаб кетди.

**Анвар Бобоев,**
**Фарҳод Арзиев,**
**ЎзА махсус мухбирлари.**

## Тожикистондаги воқеалар ҳақида БАЁНОТ

**30 ноябрь куни Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Дўрмондаги қароргоҳида Қирғизистон Президенти Асқар Акаевнинг мамлакатимизга амалий ташрифи якунларига бағишлаб ўтказилган матбуот конференциясида Тожикистондаги воқеалар ҳақида баёнот берди.**

Қуйида шу баёнот матни эълон қилинмоқда.

Етти йилдирки, Тожикистон фуқаролар урушининг оқибатларини бошдан кечирмоқда. Агар турли қуролли тўқнашувлар, террористик хуружлар, одамларни гаровга олишлар ва умуман минтақавий низоларга қараб хулоса чиқариладиган бўлса, Тожикистонда фуқаролар уруши **тугамаган,** деган тасаввур туғилади.

**Ҳокимият учун минтақавий ва уруғ-аймоқчилик кураши бормоқда, бу кураш ниҳоятда шафқатсиз суратда бўлиб, қуролли тўқнашувларга айланиб кетмоқда.**

Гиёҳванд моддалар ишлаб чиқариш ва уларни **олиб ўтиш ниҳоятда улкан миқёс касб этди.** Ўзбекистон ва Қирғизистон чегарасида тонналаб гиёҳванд моддалар ушлаб қолинмоқда.

Айни вақтда наркобизнесга **ҳокимият ва ҳарбий-маъмурий тузилмалар ҳам аралашиб кетган.** Шундай деб айтишга бизда барча асослар бор.

Биз, ўзбекистонликлар, Тожикистонда тинчлик жараёнини ўрнатиш масаласи **Москвада имзоланган битим асосидагина ҳал этилиши керак, деган қатъий фикрдамиз.**

Тожикистоннинг жафокаш халқи учун тинчликка эришишнинг ягона йўли - **бу фақатгина тинч музокаралар йўлидир.**

Ҳақиқатда эса биз тинчлик музокараларининг натижаси сифатида ҳозирча **Раҳмонов бошчилигидаги Кўлоб гуруҳи ва жаноб Нурий бошчилигидаги Бирлашган тожик мухолифати ўртасида амал портфелларини бўлиб олишни кўрмоқдамиз.**

Бироқ Тожикистонда бошқа минтақалар ва бошқа сиёсий кучлар ҳам борки, улар ҳам ҳокимиятга даъвогарлик қилмоқда. Кўлоб гуруҳининг ичида ҳам ҳокимиятни ва таъсир доираларини бўлиб олиш учун қаттиқ жанжал ва кураш кетмоқда. Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

**Бугун рўй бераётган кескинликнинг,** қуролли тўқнашувларга айланиб кетаётган курашнинг сабаблари ана шунда.

Мана шундай вазиятда Раҳмонов атрофидаги айрим кучлар воқеалар ривожини миллатлараро ва давлатлараро тўқнашувга айлантириб юборишни жуда-жуда истаяпти.

Ташқаридан душман топиш ва шу асосда ҳокимият атрофида пашшахўрда бўлиб юрганларнинг барчасини бирлаштириш - унчалик қийин иш эмас.

**Бу воқеаларда Ўзбекистоннинг қўлини излаётган кимсаларнинг барчасини ҳаракатга келтираётган ғаразли мақсад ана шундан иборат.** Бу ишда уларга Россиянинг баъзи бир махсус хизмат идоралари кўмак бермоқда. Бизда буни тасдиқловчи зарур ҳужжатлар бор.

**Энди бу ишларда Ўзбекистоннинг қўли бор, деган даъволар ҳақида икки оғиз сўз.**

Тожикистонда 1 миллион 300 мингдан зиёд ўзбек яшайди. Бу Тожикистон аҳолисининг қарийб 25 фоизини ташкил этади. Агар ўзбек-тожик аралаш оилаларни ҳам ҳисобга олсак, бу рақам янада ортади.

Раҳмонов жанобларининг собиқ бош сафдоши - полковник Худойбердиевнинг ўзи яқинда Россия матбуоти вакилларига интервьюсида баёнот берганидек, унинг отаси - тожик, онаси эса - ўзбек. Бундай мисоллар юз минглаб топилади.

Бундай аҳволда кимнинг ўзбек, кимнинг тожик эканини қандай ажратиш мумкин?

Бу масалада бизнинг қатъий позициямиз шундай:

Тожикистонда истиқомат қиладиган ҳар бир инсон - қайси миллатга мансуб бўлишидан қатъи назар - у аввало Тожикистон фуқаросидир. У шу мамлакатнинг Конституцияси ва барча қонунлари талабларини бажаришга мажбур.

Яқинда Ленинобод вилоятида юз берган қонли воқеалар ҳақида Тожикистоннинг ҳукумат доиралари ва Россия телевидениеси ҳамда ахборот воситалари кўтараётган катта шов-шув ва миш-мишлар ҳақида гапирсак, мен қуйидагиларни баён этмоқчиман:

**Биринчи.** Қани, айтингчи, дунёда ўзининг шундоқ ёнгинасида /Тошкентдан икки юз километр нарида/ танглик ва қуролли тўқнашув келтириб чиқарадиган биронта давлат, биронта мамлакат борми? Ўйлайманки, йўқ. Ахир, бу можаро тезда Ўзбекистон ҳудудига ҳам ўтиши мумкин-ку!

**Иккинчи.** Худойбердиев жангарилари Ўзбекистон чегарасидан ўтгани ҳақида гапирилмоқда. Ва бу ҳақда минглаб уйдирмалар тарқатилмоқда, матбуот конференциялари ўтказилмоқда, Россия телевидениеси кўрсатувлари намойиш қилинмоқда.


*(Давоми 2-бетда).*


## ДЎСТОНА МУЛОҚОТ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида Федерация кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова ва Туркманистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси Султон Пирмуҳамедовлар ўзаро мулоқотда бўлдилар.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова Ўзбекистон касаба уюшмаларининг мустақиллик йилларидаги изчил, халқ манфаатларини устувор қўйиб бажараётган фаолияти ва режалари билан ўртоқлашди. Султон Пирмуҳамедов Туркманистон касаба уюшмалари ҳақида сўзлаб берди. У ўзбек ва туркман халқлари ўртасидаги дўстона муносабатлар ҳақида гапирар экан, бу муносабат биз босиб ўтган қайсидир тузумлар маҳсули эмас, балки бу икки миллат халқларининг ўзи танлаган ва уларнинг энг қадимий илдизларига бориб тақалувчи муносабат эканлигини таърифлади. Шундай экан, бу муносабатлар ҳар икки мамлакат мустақиллик даврида янада ривожланиб боради. Туркманистонда ўзбеклар ўз элимиз деб тушуниладилар. Улар турли жабҳаларда, ҳатто бошқарув ишларида туркманлар билан баб-баравар меҳнат қилишади. Масалан, касаба уюшмаларида нуфузли бир соҳа Марказий қўмитасини ўзбек аёли бошқаради.

Шунингдек, учрашувда икки мамлакат ҳаёти, касаба уюшмалари фаолиятига оид бошқа мавзуларда ҳам фикр алмашинди.

## ҚОРХАТ

**«Оқ олтин» туманидаги Иқтисодиёт ва бизнес коллежида 1999 йил учун газета ва журналларга 600 минг сўмлик, шу жумладан «Ишонч» газетасига 10 та обуна қилинди.**



Ассалому алайкум, Явқочти ака! Газета - чопар, у сизни излаб топар, деган умидда ушбу номани битмоқдамиз. Наинки, сиз бир учрашувимизда маънавият хусусидаги суҳбат асноси коллеж бўйича 600 минг сўмлик обуна ташкил қилинганлигини, бунга қўшимча равишда яна «Ишонч» газетасига ҳам камида ўнта обуна бўлиш ниятида эканликларингизни айтиб, улоқни олиб кетган эдингиз. Қойил, ваъда мустаҳо бўлибдир!

Муҳосаба майдонидан пича тисарилиб, ўзини четга тортишга уринган бир ҳамкасбингиздан ранжиб, газета ўқимасак, нимани ўқиймиз, дея қилган танбеҳингиз ёдга тушади беихтиёр. Айниқса, 250 ўринли коллеж кутубхонаси 3 миллиондан зиёд фондни ташкил қилишлигини эшитиб, роса қувонгандик ўшанда. Ўз телемарказию ўқув юрти тарихи музейига эга бўлган, билим олиш учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган бундай илм масканлари нафақат Сирдарё вилоятида, республикамизда ҳам оз десак муболаға бўлмас. 9 гектар майдонни эгаллаган ўқув корпусида йўқ нарсанинг ўзи йўқ ҳисоби. Автогараж, ёпиқ спорт зали, теннис корти, омборхона, ошхона, буфет, ётоқхона... Дарвоқе, учта ётоқхонанинг иккитаси бир йўла 410 талабани қабул қила олади. Ижара ҳақи ҳам шунчаки, рамзий маънода олинади деса ҳам бўлади. Бир йилга 650 сўм.

Нега бунча арзон? Умуман коллежда жорий қилинган имтиёзлар қайси манбалар ҳисобидан? Ёки ҳомийлар шу қадар олижанобмики... Йўқ, кейин билсак, буларнинг бари ўқув хўжалигида ишни ва албатта, ҳисоб-китобни тўғри йўлга қўйганликда экан. Мана бу йил ҳам 84 гектарга пахта экиб, режадаги 255 тонна ўрнига 280 тонналик хирмон бунёд этилибди. Бошқача қилиб айтганда, 27 центнер ўрнига 33 центнердан ҳосил кўтарилган. Агар бунга 50 гектар ердан 200 тонна буғдой ҳам етиштирилганлигини қўшимча қилсак, манзара янада ойдинлашади. Муҳандис-механик Яшин Соибов раҳбарлик қилаётган ўқув хўжалигидан олинадиган соф даромад 3 млн. сўмдан ортиқ бўлиши кутилмоқда.

Ёдингиздами сизга берган саволимиз:

- Явқочти Ҳайдаров, олган унвонлар бир дунё экан: техника фанлари номзоди, педагогика фанлари доктори, профессор, Халқаро педагогика Фанлари Академиясининг ҳақиқий аъзоси... Боз устига кўплаб рисолалар муаллифи... Айтингчи, сиз кўпроқ нимадан фахрланасиз?

Ўшанда бундоқ жавоб қилган эдингиз:

- Ҳамкасбларимдан, ўзим раҳбарлик қилаётган коллеж ўқитувчиларининг касб-корига фидойилигидан фахрланаман. Коллежда 72 нафар ўқитувчи ишлайди. Шулардан 45 нафари олий тоифали, икки киши фан номзоди, яна икки аспирантимиз диссертация ёқлаш арафасида...

Явқочти ака! Сир эмаски, қорхатнинг ўз шартлари ҳам бўлади. Бизнинг шартимиз эса ушбу бўлур: Доим соғ бўлинг ва ёшлар камоли йўлида асло чарчаманг.

**Сизга хурмат ила «Ишонч» газетаси мухбирлари, Мирғиёс ҚАЮМОВ, Зайниддин РИХСИЕВ.**

## ОБУНА-99

## ЭГАЛИК ҲИССИ ШАКЛЛАНДИ

Бозор шароити ҳар бир кишидан тадбиркорлик, ғайрат - шижоатни талаб қилади. Эзгу ниятлар, ҳалол меҳнатлар эвазига эзгу ниятлар ушалишини корхонамизда ишлаётган ҳар бир ишчи-хизматчи яхши билади.

Бундан тўрт йил муқаддам очиқ ҳиссадорлик жамияти мақомига ўтилгач, ишлар сезиларли даражада янгича мазмун касб эта бошлади. Мулкка эгалик ҳисси шаклланди. Ҳар бир дақиқадан оқилона фойдаланиш, сифат ва самарадорликка эришиш масъулияти юксалди. Натижада эркин савдога 21082 та, давлат улуши бўйича 46747 та, жамоамиз аъзоларига эса 23834 та акция қўйиш имкони пайдо бўлди. Жами 91660 акция сотилди. Номинал қиймати 100 сўм бўлган ҳар бир акцияга 363,31 сўм тўғри келди.

Бу жамоамизда меҳнат унумдорлиги кун сайин ошиб бораётганлиги, манфаатдорлик омиллари яхши йўлга қўйилганлигини билдиради, албатта. Устоз ва шогирдлик анъаналари давом этаётган боис тажрибали ишчи-хизматчилар сафи кенгайиб боряпти.

Шу йилнинг ўтган даврида 34 минг 693 тонна пахта қайта ишланди. Режадаги 3325 тонна ўрнига 3350 тонна тола ишлаб чиқаришга эришилди. Бунда смена мастерлари Ҳамро Бобожонов, Холмурод Примов, созловчи усталар Ҳусанмурод Қурбонов, Йўлдош Эшонқулов, ҳисобчи Фарида Раҳмонова кабиларнинг ҳиссаси катта бўлганлигини таъкидлаш жоиз.

Маънавиятсиз келажак йўқ. Ишлаб чиқаришни кенг йўлга қўйиш, иқтисодиёт янгиликларидан ўз вақтида хабардор бўлиш, дунёқарашни шакллантиришда оммавий ахборот воситаларининг хизмати каттадир.

Даврий нашрлар учун обуна мавсуми давом этаётган шу кунларда корхонамиз ишчи-хизматчилари ҳам ўзларининг севимли матбуот нашрларига обуна бўлишяпти. Касаба уюшма қўмитасининг раиси Мўмин Раҳматовнинг ташаббуси билан илғор, фидойи ишчи-хизматчиларимиз бошқа нашрлар қатори «Ишонч», газетасига ҳам биринчилар қатори обуна бўлдилар.

**Норбобо ЗИЯЕВ, Қарши пахта тозалаш очиқ ҳиссадорлик жамиятининг раиси.**

## Президент китоби ўрганилмоқда

Республика «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик марказининг Қашқадарё вилоят бўлимида мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон буюк келажак сари» китобини ўрганишга бағишланган илмий-амалий анжуман бўлди.

Анжуманда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг раҳбарлари, турли ташкилот, корхона, муассасалар раҳбарларининг маънавият ва маърифат масалалари бўйича ўринбосарлари, ҳуқуқни ҳимоя қилиш идоралари ходимлари, олимлар, жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар Президентимизнинг китобида юртимизда мустақиллик йилларида амалга оширилган буюк бунёдкорлик ишлари, давлатимиз ички ва ташқи сиёсатининг асосий йўналишлари, ҳуқуқий демократик жамият барпо этишнинг ўзига хос тамойиллари ҳамда туб иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги долзарб вазифалар баён этилганлигини таъкидладилар. Йўлбошчимиз асарини вилоят корхона, муассаса ва ташкилотларида, мактаблар ва ўқув юртларида чуқур ўрганишни ташкил этиш тадбирлари белгиланди.

**А.ТАЙПАТОВ, ЎзА мухбири.**

## *Ўзбекистон байроғини баланд кўтараётганлар*

Ватанимиз довруғини оламга ёяётган профессионаллар ўртасида жаҳон чемпиони унвонини кетма-кет ҳимоя қилиб келаётган машҳур боксчи Артур Григоряннинг инсоний фазилатлари ҳам бағоят диққатга сазовор. У Эски шаҳар даҳасида, асосан ўзбеклар орасида вояга етди. Муҳтожлик, мурувватли бўлиш ни-малигини яхши англайди. Бир куни мида рақибларининг ўзига хос кучли ва ожиз томонларини яхши ўзлаштирди. Пухта ҳозирлик ўз самарасини берди. Кўплаб учрашувлар ўтказиб барчасида ғолиб келди. Бобби Брэвэр, Марк Антонио Смит, Жин Вид, Марти Якубовски, Дэвид Армстронг, Марко Рудольфларни жуда чиройли усулда енгган Артур Григорян жаҳоннинг энг севимли чарм қўлқоп усталаридан бирига айланди.

# БОШИ ОСМОНДА, ҚЎЛИ КЎКСИДА

Жорж Кампанелла билан учрашувга алоҳида ҳозирлик кўрган Артур бутун жанг мобайнида рақибига кетма-кет зарбалар бериб устунлигини тўла намойиш этди.

- Мени ҳамиша ғалабага руҳлантириб тура-ган бир улуғ нарса бор,-дейди машҳур боксчи. - Ёнимда ҳамиша ҳурматли Президентимиз суратлари ва мустақил Ўзбекистоннинг байроғи. Уларга тикилсам жаннатмакон она диёрим намоён бўлиб, бутун жанг давомида мадад бериб тургандек бўлади.

Тошкентга ташриф буюрган куни журналистлар савол беришди:



- Профессионал боксчилар муросасиз, барча инсоний фазилатларни четга суриб қўйиб, жанг қиладилар. Сиз эса бир маротаба бўлсин, ҳолдан тойган рақибни сулайтириб ташламагансиз.

- Мен ўзбеклар, асл инсонлардан тарбия олганман. Рингда мутлоқ устунлигинг сезилса бас. Ҳар қандай шароитда ҳам инсон инсонлигича қолиши керак.

Унинг устозлари Лев Аҳмеджанов, Владимир Шин тинмай машқ қилдириб Артурни камолат чўққилари сари етаклаб бордилар. Шунингдек кубалик уч карра жаҳон ва олимпиада ўйинлари чемпиони Теофил Стивенсондан ҳам кўп нарса олди.

Вақт ўтиши билан Артур Григорян назарга туша бошлади. Тўсиқларни енгиб иттифоқ чемпиони, яхши ният ўйинлари чемпиони, жаҳон биринчилиги кумуш совриндори бўлгандан сўнг у доимий равишда диққат марказида бўлди. Ўзининг таъкидлашича, бошқа иш билан шуғулланиш орзусида юрганида менежер профессионаллар сафида кучини синаб кўришни таклиф этди. Иккиланмай рози бўлди. Энг масъулиятли ва машаққатли дамлар бошланди. Артур бўлажак жангларга пухта ҳозирлик кўрди. Видео кассеталар ёрда-

**М.ИЛЁСОВ.**

# КУМУШ ҚИШ



***Олтин кузимиз бор саховати-ю неъматини тўкиб бўлди. Юртимизга қиш келди. Атроф борлиқ оппоқ қорга бурканди. Оқ кўнгиллардек оппоқ қор. У қишнинг зийнати, кўрки. Оппоқ қор... У томларга, дарахтларга инди. Қишнинг бутун гўзаллиги, лутфи-тароватини жилва қила бошлади. Болажонларнинг қувончини айтмайсизми!***

***Қалбдан ниманидир соғинган эдик. Биз соғинган қиш, мана шу оппоқ қор эмасмикан? Уйқуга кетган хиёбонлар, боғлар сокин. Қулоқ солинг, у эртак айтаётганга ўхшайди. Ҳа, ҳар фаслнинг ўз куйи, қўшиғи бор. Қиш, оппоқ қор эрта кўклам аста мўралайдиган бинафшани аллалаётганга ўхшайди, гўё.***

***Экинлардан бўшаб хориган далалар оппоқ қор остида тин олади. Аслида эса қиш, оппоқ қор бўлажак йилда оладиган ҳосилимиз зуваласини пиширмоқда.***

***Оппоқ қор. У эртанги умид, яхши ниятлар дебочаси.***

***Оппоқ қор. У пок-покиза қалбдай тоза ва шаффоф.***

**Азим СУЮН**

# СЕНИ ТАНИДИМУ МУҲАББАТ...

**(Туркум)**

**1**

Сени танидиму муҳаббат,
Танидим гулларнинг исмини.
Сени танидиму муҳаббат,
Яшашга тутиндим сиғиниб.

Сени танидиму муҳаббат,
Тушундим булбуллар навосин.
Сени танидиму муҳаббат,
Англадим кўз ёшлар савдосин.

Сени танидиму муҳаббат,
Қарғадим ортдаги Умримни.
Сени танидиму муҳаббат,
Қизиқ... яшамаган эдимми?

Сени танидиму муҳаббат,
Билдим: сув, ўт, тупроқ, ҳавоман.
Сени танидиму муҳаббат,
Севинчман, беморман, давоман.

Сени танидиму муҳаббат,
Катта-катта очдим кўзимни.
Сени танидиму муҳаббат,
Танидим, танидим ўзимни!

**2**

* * *

Шамоллар қўзғолди, турди
довуллар,
Оламни қоп-қора булутлар босди.
Қоронғулик.

Шамоллар сурилди, тинди
довуллар,
Кўк юзи оқариб, аста ёришди.
Оқлик, оқлик.

Оқ, оқпар кундузлар қоронғу бўлди,
Шамоллар хор-хасни отди
юзларга.
Кўр бўлди кўзлар.
Қоронғулик.

Қоронғу кечалар қорайиб ўлди,
Ойдин ел таралди дала-тузларга.
Очилди кўзлар.
Оқлиқ, оқлик.

Ҳаётимга нурдек кирдинг, муҳаббат,
Йўл бошла, йўл бошла энди
сен фақат!

**3**

* * *

Оҳ, на фақат кунлар гўзал,
Тонглар гўзал, тунлар гўзал,
Саслар гўзал, унлар гўзал,
Ғамлар гўзал, мунглар гўзал,
Кўксимда қиқирлар севги.

Қип-қирмизи зардолилар
Севги оловидан ёнар.
Боғ четида ошиқ анор
Ишқ зўридан тарс ёрилар.
Кўксимда қиқирлар севги.

Қушлар сайрар ўқтин-ўқтин,
Кунботарлар тўлқин-тўлқин,
Сой таратар инжа ёлқин,
Кун бўларми шундай ёрқин?!
Кўксимда қиқирлар севги.

Ҳой, мажнунтол, бошинг эгик,
Қачон уни тутарсан тик,
Бир умр йиғламас тирик,
Мен билан дўстлаш юр, кетдик.
Кўксимда қиқирлар севги.

Оҳ, на фақат кунлар гўзал,
Шомлар гўзал, тунлар гўзал,
Саслар гўзал, унлар гўзал,
Ғамлар гўзал, мунглар гўзал,
Кўксимда қиқирлар севги.

**4**

* * *

Қайдан сени учратдим, оҳу,
Ҳаёт гўё абадул абад.
Зулумот йўқ, бор фақат ёғду,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

Қайдан сени учратдим, оҳу,
Умр - ўлжа, бу дунё - сайёд,
Юрагингда жодугар уйқу,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

Қайдан сени учратдим, оҳу,
Ҳам шафиқсан, ҳамда бешафқат.
Яшамоқ - бол, яшамоқ - оғу,
Кўзларингда ёнар муҳаббат.

**5**

* * *

Зим-зиё эрди куним,
Сен билан равшан бўлди.
Чиқмасди сасим-уним,
Боғлар жарангга тўлди.

Қудуғим суви аччиқ,
Мен уни ичолмасдим.
Рангларим оқиш-сариқ,
Мен ундан кечолмасдим.

Қаршимда пайдо ўзинг
Ширин бўлди сувларим.
Рангу рўйим қирмизи,
Жайронларни қувладим.

Тошлар эриб оқди-ей,
Қиқир-қиқир кулди ой.
Бир гулгун ўт ёқди-ей,
Кун ва тун туташган жой.

**6**

* * *

Жизғанак саҳролар, даштларда
қолдим,
Бир култум сувга зор,
ташналаб толдим.
Чанқоғим қондирди мисоли
шарбат,
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Қаҳратон шимолнинг аёзин тотдим,
Тўнган тарашадай ётдим, муз
қотдим.
Ўлмадим - танимга берди
ҳарорат -
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Етти ёт, бегона юртларда кездим,
Лекин ўз юртимда юргандай
сездим.
Ортиқ қолдирмади шафиқ,
бешафқат -
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

Юрагим - бевафо, бевафо -
қадрим,
Муаллақ дунёда муаллақ қаддим.
Қаддимни тик тутди вафодор
ҳаёт -
Муҳаббат, муҳаббат, муҳаббат.

**7**

* * *

Ўртамизда дарё оқсин,
то мен кечиб ўтолмай.
Офтоб бир ўт-олов ёқсин,
мен қошингга етолмай.

Ўртамизда бир шундай тоғ
пайдо бўлсинки, беадоғ,
ихтиёрсиз чопганим чоғ,
то мен ошиб кетолмай.

Суйдирди бу муҳаббат,
Куйдирди бу муҳаббат.
Юрагимда қат-қат нафрат
Туйдирди бу муҳаббат.

Ўртамизда даштлар ёнсин,
юзинг кўрмай.
Оҳ, сен... майли, ўлмай юргин,
то мен ўлмай.

## *Нафс бандалари*

### СИР ФОШ БЎЛДИ

Гиёҳвандлик моддалари ҳақида гап кетганда уни «Аср вабоси» деб бекорга айтишмаса керак. Қонунчилигимизда уни экиб етиштирган ҳам, сотган ва олган ҳам тегишли жазо чораларига тортилиши қайд этилган. Чунки гиёҳванд моддаси билан боғлиқ қандай юмуш бўлмасин уларнинг барчаси охир-оқибатда инсонни ва айни пайтда авлодни заҳарлашга йўл очиб беради. Ана шу оддий ҳақиқатни гиёҳвандлик моддаларини сотаётган Шамси Сатторов, Соли Назаров, Норқул Ҳақназаров ва Имом Умаровлар билишмасмиди? Жуда яхши билишарди. Лекин фақат мўмай даромад ишлаб олиш, шу йўл билан бойлик орттиришдан иборат ниятлари ҳалол меҳнат билан пул топишга тўсқинлик қиларди. Нима бўлгандаям қинғир иш қирқ йилдан кейин ҳам ошкор бўлиши - бу ҳаёт қонуни. Лекин мазкур салбий ҳолатга жуда тез нуқта қўйилди.

Шу йилнинг 17 сентябрида Самарқанд вилоят божхона бошқармасининг 8-сонли «Акциз» маскани ходимлари вилоят ИИБ вакиллари билан ҳамкорликда «Қорадори-98» тадбирини ўтказишаётган пайтда гиёҳвандфурушларнинг сирлари фош бўлиб қолди. Уларга тегишли ВАЗ-2103 русумли 98-13 СНЛ давлат белгили автомашинада 1 кг 200 грамм қорадори яширилгани аниқланди.

Ушбу ҳолат юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тўпланган ҳужжатлар вилоят Миллий хавфсизлик хизматига юборилди.

### ҚУРОЛЛИ «САЁҲАТЧИ»

Ҳар каллада ҳар хаёл, деганларидек айрим кишилар ўзларининг ғаразли мақсадларини амалга ошириш учун ҳар қандай йўлдан қайтмайдилар. Фуқаро М.Магамедов ҳам балки шундайлар сирасига кирса керак. Нега дейсизми? Чунки эзгулик, яхшиликни кўнглига туккан одам сафарга отланганда автомашинасининг ўриндиғи тагига «НОС - 5373» маркали уч дона ўқи билан газли пистолет, 2 та магазини ва 8 дона ўқи билан «410» маркали бир стволли ов милтиғини яширмаган бўларди.

Қорақалпоғистон Республикаси божхона бошқармасига қарашли 4-сонли «Даут-ота» маскани ходимлари сергаклик қилиб, қонунбузарни ушлаб қолмаганларида, балки... Дарвоқе, ҳозирча аниқ хулоса чиқаришга шошилмайлик. Ҳадемай, шу иш билан шуғулланаётган Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси унинг асл мақсадини аниқлаб беришига шубҳа йўқ.

**А. МАННОПОВ**

### «САҲОВАТ»ГА ОБУНА БЎЛДИНГИЗМИ?

Азиз муштарийлар! Айтайлик, уйингизда ота-онангиз пенсионер, турмуш ўртоғингиз болаларингиз учун нафақа олади, қариндош уруғларингиз ёки яқин таниш-билишларингиздан кимдир ногирон (худо кўрсатмасин)дир. Илоҳо, Аллоҳ умрингизни узоқ, насибангизни бутун қилган бўлсин, бир кун келиб ўзингиз ҳам қарилик пенсиясига чиқасиз. Ўшанда «Саҳоват» билан таниш-билишчилигингиз, аввалдан қадрдонлигингиз қўл келади. Чунки:

- ижтимоий таъминот, ижтимоий ёрдам, пенсия, нафақа ва имтиёзлар ҳақидаги қонун-қоидалар ҳамда уларнинг қандай амалга оширилаётгани:

- қариялар, ногиронлар, болали оилалар, ёлғиз ва ўзгалар ёрдамига муҳтож кексалар ҳақ-ҳуқуқлари:

- кўплаб қизиқарли ва ҳаётий савол-жавоблар, қилни қирқ ёрадиган мутахассисларнинг маслаҳатлари, яна бошқа талайгина ижтимоий муаммолар фақат «Саҳоват»да чоп этилади.

Бундан ташқари, динимиз, қадриятларимиз тўғрисидаги алломаларнинг суҳбатларини, маънавият ва маърифат соҳасидаги мулоқотларни бериб борамиз.

**Обуна баҳоси: Якка обуначилар учун 1 йилга - 600 сўм,**

**Ташкилотлар учун 1 йилга - 1200 сўм.**

(Бунга журнални тарқатиш учун тўланадиган хизмат ҳақи кирмайди).

**Якка обуначилар учун индексимиз - 861**

**Ташкилотлар учун индексимиз - 862.**

## *Латифалар*

### ЭЪТИРОЗ

Автобусда кетаётган йўловчи ҳар бир бекатдан ўтгач кондукторга бир тангадан тўлаб борди. Бу ҳол олти марта такрорланди. Йўловчи манзилига етгач, кондуктор ундан сўради:

- Нима учун олти тангани бирдан тўлай қолмадингиз?

- Қизиқ гапни айтасиз-а! Автобус аварияга учраганда нима бўларди,-дея эътироз билдирди йўловчи.

* * *

### САРТАРОШХОНАДА

Мак Нэб сартарошдан сочини текислаш қанча туришлигини сўради.

- Бир фунт стерлинг,-жавоб қилди сартарош.

- Соқолни олиш-чи, — яна сўради у.

- Эллик пенс.

- Унда бошимнинг соқолини олиб қўя қолинг,- деди Мак Нэб сартарошга.

## *Грипдан сақланинг!*

# ЭҲТИЁТСИЗЛИКНИ ЁҚТИРМАЙДИГАН КАСАЛЛИК

Грипп - юқумли касаллик. У беморда оғир асоратлар қолдириш билан бирга, унинг ҳаётини хавф остига қўйиб, баъзи ҳолларда бевақт ҳаётдан кўз юмушгача олиб боради. Шунинг учун у эҳтиётсизликни кечирмайди.

«Биргина Россияда ҳар йили 40 миллион нафар одам грипп билан оғрийди. Шундан 500 нафар кишининг ҳаёти ўлим билан якунланади» («Труд» газетаси. 1998 й.30 октябрь). Куз фаслининг ўзгарувчан об-ҳавоси айрим касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Улардан бири нафас йўлларини, нерв системасини шикастловчи ва оғир асоратларга олиб келувчи грипп хасталигидир.

У тўсатдан бошланувчи, турига қараб оғир ўтувчи, тез юқувчи касаллик ҳисобланади. Унда бош оғриғи, ҳароратнинг кўтарилиши, бадан увишиши, мускуллар оғриғи, лоҳаслик, дармонсизлик каби белгилар кузатилади. Касаллик асосан нафас йўллари орқали юқади, чунки гриппнинг қўзғатувчилари вируслар ҳисобланиб, касал кишилар акса урганда, йўталганда, гаплашганда ҳавога ўтади ва соғлом кишини зарарлайди.

Касал кишининг ётиб даволанмаслиги натижасида - у гавжум жойларда касаллигини бошқаларга юқтириши мумкин. Шунингдек, грипп бемор фойдаланган турли буюмлар, масалан айтайлик дастрўмол, идиш-товоқ, кийим-бош ва бошқа буюмлар орқали ҳам ўтади.

Грипп касаллиги асосан ёш болаларга тез юқади ва оғир асоратлар билан ўтади. Натижада, сурункали ўпка касалликлари келиб чиқиш хавфи туғилади.

Шунинг учун ҳам грипп билан касалланган кишилар тезда шифокорга мурожаат қилиши, ишга, ўқишга, кўчага чиқмаслиги ва шифокор маслаҳатига қатъий амал қилган ҳолда уйда ётиши керак.

- Касалланганларни парвариш қилаётганлар касаллик юқмаслиги учун оғиз ва бурнига тўрт қаватли тоза докани тутиб олиши ва уни 4-5 соатда алмаштириб туриши керак. Фойдаланилган докани тозалаб ювилгандан сўнг дазмоллаб, қайта фойдаланиш мумкин.

- Оилада касалланган киши бўлса уни бошқа хонага, иложи бўлмаса ётган жойини бирор тўсиқ билан ажратиб қўйиш керак. Бемор ётган хонани, умум фойдаланадиган залларни тез-тез шамоллатиб туриш лозим бўлади.

- Бемор фойдаланган буюмлар, идиш-товоқларни яхшилаб қайнатиб ювиш ва шундан кейингина улардан фойдаланишни маслаҳат берамиз.

- Грипп ва бошқа юқумли касалликларга чалинмаслик мақсадида - ҳар кунги эрталабки гимнастика билан шуғулланиш, хўл сочиқ билан баданни артиш, физкультура ва спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланиб бориш тавсия этилади.

Юқоридаги кўрсатмалар грипп ва бошқа юқумли касалликларнинг олдини олишдаги ишончли тадбирлар эканлигини унутманг.

Жаҳон тиббиётининг улуғ бобокалони Абу Али ибн Сино «Агар чанг ва ғубор бўлмаганида инсон минг йил яшар эди»-деб башорат қилган эди.

Шундай экан, ҳамма жойда билвосита озодаликка эътибор бериш билангина грипп касаллигининг олдини олиш мумкин.

**Абдунаби ОРИПОВ,**
**Республика Саломатлик маркази ходими.**

## *Ҳар тўғрида*

### ЖАЖЖИ МАШИНАЛАР

Пермлик автомоделчи Алексей Сафанов «Форд-А» автомобилининг гугурт қутичасидек ноёб моделини яратди. Жажжигина машина 625 деталдан ясалган бўлиб, оригиналининг худди ўзгинаси. Алексей бундан аввал 1907 йилда Англияда чиққан «Кроллс-ройс»нинг шунақа моделини ҳам тайёрлаган эди. Уста бу жажжи машиналарни асосан ёғочдан ясайди. Машинанинг кўпгина қисмларини микроскоп остида йўниб тайёрлашга тўғри келади. Ҳозир конструктор 1911 йили Путилов заводида чиқарилган «Руссо-балт» русумли автомобилининг жажжи нусхасини яратиш устида бош қотирмоқда.

Пермлик уста ишлаган автомобилнинг кичкина модели Германиядаги автотранспорт музейига қўйилган ва у Европадаги энг яхши нусха деб тан олинган.

### ОДАМЛАР НИМАЛАРГА ҚИЗИҚМАЙДИ, ДЕЙСИЗ?!

Немис зоологи Альфред Вольфенгруберни ҳайвонлар ўртасидаги «ажралиш» масаласи қизиқтириб қолди. Маълум бўлишича, ҳайвонот олами вакилларининг жуда кам қисми ўз жуфти билан яшаркан. Гиббонлар (одамсимон маймунларнинг бир тури), мартишкалар(думли кичкина маймунлар) ҳамда қашқирлар умрларининг охиригача бирга ҳаёт кечирар эканлар.

Шунингдек, саҳро ўргимчаклари ҳам бутун умрга(у бир ярим ой давом этади) «аҳд-паймон» қилишар экан.

Американинг қизил фломингалари(сув қуши) орасида «никоҳ» кейинги йилга ўтмай юз фоиз емирилади. Оқ қушларнинг баъзи турлари ўртасидаги ҳаёт кечириш то янги насл пайдо бўлгунга қадар давом этади.

ХИЧФ «Дейхим» стад коди рухсатномаси йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ИШОНЧ

Бош муҳаррир: Мирғиёс ҚАЮМОВ

Бош муҳаррир қабулхонаси-56-25-36
Бош муҳаррир ўринбосари-56-52-89
Масъул котиб - 56-52-78
БЎЛИМЛАР:
Касаба уюшмалари ва иқтисодиёт-56-82-79. Ахборот ва спорт-56-87-63. Маънавият ва маданият - 56-82-79. Хатлар, оммавий ишлар ва мухбирлар билан ишлаш - 56-85-43. Тижорат ва ҳуқуқ -56-85--66.
ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Жиззахда - 3-83-01. Наманганда - 6-22-10. Самарқандда - 35-64-24. Фарғонада - 24-58-43. Урганчда - 6-03-40. Қаршида- 5-33-71.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган.
Сотувда эркин нархда.
*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» (собиқ «Правда Востока») кўчаси, 24-уй.*
*Нашр кўрсаткичи;* 133; 134
Газетага 1994 йил 14 январда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 5 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди 23.30

Буюртма Г— 0616. Нусхаси — 14.663.

1 2 3 4 5 6